

XDF

1918-yil
21-iyundan chiqa
boshtagan

№42, 2023-yil
25-oktabr,
chorshanba (32.788)

O'zbekiston

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

ovozi

АХОЛИГА МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИ ЯРАТИШ — ИСЛОХОТЛАРНИНГ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожи билан танишиш мақсадида 24 октябрь куни Қашқадарё вилоятига келди.

Давлатимиз раҳбари бутун фаолияти давомида ҳар бир соҳа бўйича бевосита жойларга чиқиб, ҳалқ билан мулоқот қилиб, аҳоли ҳаётидан келиб чиқиб иш юритади. Мамлакатимиз ҳудудларига ташрифлардан асосий мақсад — қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кўтариш, туманларни саноатлаштириш, иш ўринларини кўлпайтириш, ижтимоий шароитларни яхшилаш.

Бу жihatлар Қашқадарё вилоятига ташрифда ҳам намоён. Давлатимиз раҳбари дастлаб "Sulton Tex Group" кластерининг тўкичмачилик корхонаси фаолияти билан танишиди.

Бу корхона умумий қиймати 8 миллион 200 минг долларлигдаги лойиҳа эвазига ўтган йили ишга тушган. Замонавий технология ва ускуналар самарасида йилига 5 миллион дона тикув-трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш куввати яратилган.

Эътиборлиси, кластер "янги маҳсулот — янги давлат" принципи асосида экспортни йўлга кўйган. Бугунги кунда сифатли товарлар Америка, Кўшия, Штатлари, Канада, Польша, Сингапур, Россия каби мамлакатларга тўлиқ экспорт қилинмоқда. Даромад, иш унумдорлиги ҳам шунга яраши юкори. Кластерда пахта етишириш ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ занжира 3 мингга яқин аҳоли меҳнат қилимоқда.

Президент корхонадаги иш жараёни билан танишиди. Бундай лойӣҳаларнинг вилоят иқтисодиёти ва аҳоли бандлигидаги аҳамияти хакида фикр билдирилди. Мутасадилларга бу соҳада имкониятлар тўлиқ ишга солинмаётгани кўрсатрек ўтиди.

Маълумки, Қашқадарё вилоятида юртимиздаги энг кўп пахта етиширилади. Лекин уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотга айлантириш хажми кам. Масалан, мато тўқиши ва бўяш йўлга кўйилса, туманларда кўшимча 60 минг кишини банд қилиш мумкин.

Шу мақсадда "20 минг тадбиркор — 500 минг малакни мутахассис" дастури "Султон стайлз" корхонасида ҳам табтий этилмоқда.

Шу ерда давлатимиз раҳбари Шаҳрисабз, Китоб ва Қамаши туманларida туризни риҷоҳлантириши лойӣҳалари тақдимот қилинди. Қишлоқларда инфратузилмани яхшилаш, сайёхлик йўналишларига киритиб, аҳоли учун даромад маёнларини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарёга ташрифи



Чогида режадан ташқари тарзда Қарши тумани тиббиёт бирлашмасига борди.

Унинг биноси ўтган асрнинг 60-70-йилларида курилган. Шифохона 228 бемор ўрнига ва поликлиника 250 қатновга мўлжалланган. Хозирда тумандаги 243 минг аҳолига хизмат кўрсатади. Лекин бу ердаги шароитлар шунчак камровга ва замон талабига моз эмас. Айрим жиҳозларни янгилашга зарур бор.

Президентимиз тиббиёт бўлимлар ва хоналарга кириб, асл аҳволни кўздан кечирди. Бу ерга келган беморлар билан сухбатлашди.

Президент Шавкат Мирзиёев сафар дастuriда назарда тутилмаган манзиллар билан танишишда давом этмоқда. Қарши тумани маркази — Бешкент шаҳридаги 12-мактаб ҳам режалаштирилмаган холда бориб кўрилди.

Бу ерда айни пайтда 1 минг 400 га яқин ўғил-қиз ўқимоқда. Уларга юздан ошиқ малакали педагоглар таълим бермоқда. Мактаб ўтган йили капитал таъмирланган. Ўқувчиларга битта касб-хунар ва иккита хорижий тилни ўргатиши йўлга кўйилган. Компьютер саводҳонлиги, тиқувчилик, дурдгорлик каби тўғраклар бор.

Давлатимиз раҳбари синхоналарни кириб кўрди, ўқитувчи ва ўқувчilar билан сухбатлашди. Мактаб шароитлари, дарсликлар сифати билан қизиқди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида Қарши шаҳрида Ойдин маҳалласида бўлиб, аҳоли турмуши, худуддаги ободлик ва куз-қиши мавсумига тайёргарлик билан яқиндан танишиди.

Бу ерда 11 мингга яқин аҳоли яшайди. Худудда иккита мактабгача таълим ташкилоти, битта умумтаълим мактаби мавжуд. Жорий йилда яна учта кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Давлатимиз раҳбари маҳалладаги 11-йуда яшовчи Дилюш Набиев хонадонида меҳмон бўлди. Оила бошлиғи институтда ўқитувчи. Турмуш ўтоги Хуррориятхон билан иккি фарзандни вояж етказмоқда. Улар ўз турмушга ва меҳнат фаолияти, болаларга бериләётган эътибор ва имкониятлар ҳақида сўзлаб берди.

Президент маҳалланинг янги маркази — маҳалла гузари, хизмат кўрсатиш шоҳобчалини кўздан кечирди. Шу ерда нуронийлар билан мулоқот бўлди. Қарши шаҳрида Республика ихтисослаштирилган Она ва бола саломатлиги иммий-амалий тиббиёт марказининг ҳудудий

филиали барпо этилди. Президент Шавкат Мирзиёев 24 октябрь куни Қашқадарё вилоятига ташрифи чогида ушбу муассасани бориб кўрди.

Жорий йил 8 сентябрда давлатимиз раҳбарининг "Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирила-ри тўғрисида"ти қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология иммий-амалий тиббиёт маркази, Республика Она ва бола скрининг маркази негизида Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги иммий-амалий тиббиёт марказига аллантирилмоқда. Шунингдек, қарорда мазкур марказнинг 14 та ҳудудий филиаллари ташкил этилиши белgilangan.

Қашқадарёдаги ушбу муассаса ҳамма таълабларга жавоб берадиган дастлабки шундай марказлардан бири.

Айни кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида куз-қиши мавсумига тайёргарлик кетмоқда. Коммунал тармоқлар қайта кўриб қилишиб, иссиқлик корхоналари модернизацияни қилинмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев Қашқадарёга ташрифи давомида вилоят "Иссиқлик манбаи" давлат унитар корхонасининг Қарши шаҳрида янгидан бунёд этилган марказий қозонхонасини бориб кўрди.

Ушбу мажмуя 12 Гкал қувватга эга. Бу ерга Туркиядан келтирилган 14 МВтли учта қозон ўрнитилди. Бунинг эвазига йилига 1,7 миллион куб метр табии газни иқтисод қилиши имконияти яратилди.

Марказ курилиши жараёнда ҳудудга олти километр қопламили кувур тортилди. Иссиқлик тармоқлари ёпиқ тизимга ўтказилди ва йўқотишлардан ҳимоя қилинди.

Ушбу мажмуянинг фойдаланишга топширилиши 38 та кўп қаватли уйдаги бир ярам мингдан зиёд хонадон ҳамда учта ижтимоий объекти иссиқлик билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбари мутасадилларга қишига тайёргарлик ишларини сифатли бажариб, энергия ва иссиқлик таъминотини баркарор қилиш, энергия тежамкорлик маданиятини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев ушбу мажмуя жойлашган Наво маҳалласини ҳам кўздан кечириб ўтди.

Манба: president.uz

ФОЯЛАР АМАЛГА ОШМОҚДА



2-3



ҲОКИМЛАР ДЕМОКРАТИЯНИ ҚАНДАЙ ТУШУНАДИ?

6 САҲИФА



УН НАРХИДАН ХАВОТИР АСОССИЗМИ?

7 САҲИФА

ҲЕЧ НАРСА ИНСОН ҲАЁТИДАН ҚИММАТ ЭМАС

ИНСОН ЎЛИМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲОЛАТЛАРДА ҚОНУНЧИЛИГИМИЗДА 7 ЙИЛГАЧА ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ ЖАЗОСИ БЕЛГИЛАНГАН БЎЛСА-ДА, БУ НОРМА ИШЛАМАЙДИ. ДОИМ УШБУ МОДДА БЎЙИЧА СУД ҚАРОРЛАРИ ЕНГИЛЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ҲУКМ ЧИҚАРИЛГАН. БУ ЭСА АВТОҲАЛОКАТЛАР ЯНА ВА ЯНА СОДИР БЎЛИШИГА ТУРТКИ БЎЛАДИ. ҲАЙДОВЧИ ЖАЗО ЯНА ЕНГИЛЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ҲУКМ ЧИҚАРИЛИШИГА ИШОНАДИ. ШУ БОИСДАН, ПИЁДАЛАРНИНГ ЙИЛДАН ЎТИШ ҚИСМИДА ЙИЛ БЕРМАГАНЛИК УЧУН ЖАРИМАЛАР МИҚДОРИНИ МАКСИМАЛ ДАРАЖАДА КЎПАЙТИРИШ, ИНСОН ЎЛИМИ БИЛАН БОҒЛИҚ АВТОҲАЛОКАТЛАРНИ СОДИР ЭТГАНЛИК УЧУН ЖАЗОНИ МУҚАРРР (7 ЙИЛЛИК ҲУКМ) АМАЛГА ОШИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЛОЗИМ.



4

БУТУН ДУНЁДА ДЕМОКРАТИЯ ИНСОН УЧУН, ДАВЛАТ УЧУН, ЖАМИЯТ УЧУН ИДЕАЛ ТУШУНЧА СИФАТИДА АНГЛАНАДИ, УНГА ИНТИЛИШ ЭЗГУ МАҚСАД ҲИСОБЛАНАДИ. ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЭНГ МУХИМ ЖИҲАТЛАРИДАН БИРИ ҲАЛҚ ФИКРИ, ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИГА ҶАРАТИЛГАН ФОЯЛАР ИЛГАРИ СУРИЛАДИ. УЛАР РҮБЕГА ЧИҚИШИ УЧУН КУРАШИЛАДИ.

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭНГ ТИЗИМЛИ ВА ТАЖРИБАЛИ ПАРТИЯЛARDAN БИРИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАМЛАКАТДА КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ЮРТИЛИШИ, ҲУҚУҚЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР ТЕНГЛIGИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАНИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУХИМ ФОЯЛАРНИ ОЛГА СУРИБ КЕЛАДИ. ПАРТИЯ ТИЗИМИДА ТАЖРИБА АСОСИДА ШАКЛАНГАН, ҲАЛҚИМИЗНИГ ТАБИАТИГА ХОС БЎЛГАН МУЛОҲАЗАКОРЛИК ВА ВАЗMINILIK ПОЗИЦИЯСИ АСОСИДА МУНТАЗАМ АМАЛИЙ ФАОЛИЯТ ЮРИТИЛМОҚДА. ШОВҚИН-СУРОН КЎТАРИШ, АЮҲАННОС СОЛИШ ПАРТИЯ ЕТАКЧИЛАРИ, ФАОЛЛАРИГА ХОС ХУСУСИЯТ ЭМАС.

ИЖТИМОЙ НИМОЯ

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ФОЯЛАР АМАЛГА

БУТУН ДУНЁДА ДЕМОКРАТИЯ ИНСОН УЧУН, ДАВЛАТ УЧУН, ЖАМИЯТ УЧУН ИДЕАЛ ТУШУНЧА СИФАТИДА АНГЛАНАДИ, УНГА ИНТИЛИШ ЭЗГУ МАҚСАД ҲИСОБЛАНАДИ. ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИДАН БИРИ ХАЛҚ ФИКРИ, ҲУҶУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИГА ҚАРАТИЛГАН ФОЯЛАР ИЛГАРИ СУРИЛАДИ. УЛАР РЎЁБГА ЧИҚИШИ УЧУН КУРАШИЛАДИ.


МАМЛАКАТИМIZДАГИ ЭНГ ТИЗИМЛИ ВА ТАЖРИБАЛИ ПАРТИЯЛARDАН БИРИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАМЛАКАТДА КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ЙОРТИЛИШИ, ҲУҶУҚЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР ТЕНГЛIGИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАНИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУҲИМ ФОЯЛАРНИ ОЛҒА СУРИБ КЕЛАДИ. ПАРТИЯ ТИЗИМИДА ТАЖРИБА АСОСИДА ШАКЛЛАНГАН, ХАЛҚИМИЗНИНГ ТАБИАТИГА ХОС БўЛГАН МУЛОҲАЗАКОРЛИК ВА ВАЗМИНИК ПОЗИЦИЯСИ АСОСИДА МУНТАЗАМ АМАЛИЙ ФАОЛИЯТ ЙОРТИЛМОҚДА. ШОВҚИН-СУРОН КЎТАРИШ, АЮҲАННОС СОЛИШ ПАРТИЯ ЕТАКЧИЛАРИ, ФАОЛЛАРИГА ХОС ХУСУСИЯТ ЭМАС.

ОЧИГИНИ АЙТИШ КЕРАК, МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА, ПАРЛАМЕНТАРИЗМ, КЎППАРТИЯВИЙЛИК ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИДА ФОЯЛАР РЎЁБГА ЧИҚИШИ ОСОН КЕЧМАГАН. КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТДА ЮЗАГА КЕЛГАН ФАОЛ МУЛОҚОТ ВА ТАШАББУСКОРЛИК МУҲИТИ, ЙОРТИЛАЁТГАН МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ МУҲИМ ТАКЛИФЛАРИ АМАЛГА ОШИШИГА ИМКОН ЯРАТМОҚДА.

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА АКСАРИЯТ ДАВЛАТЛАР ҲУҚУМАТЛАРИ СИЁСАТИДА, ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ҲАМ ИЖТИМОЙЛАШИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ КЎПРОҚ КЎЗГА ТАШЛАНМОҚДА. ЧУНКИ ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАРНИ САМАРАЛИ ҲАЛ ЭТМАСДАН ТУРИБ ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК МУҲИТИНИ ТАЪМИНЛАШ МУМКИН ЭМАС. ДУНЁНИНГ ТУРЛИ НУҶТАЛАРИДА КУЗАТИЛАЁТГАН ИЖТИМОЙ ИНҚИРОЗЛИ ҲОЛАТЛАР ШУНИ ҮҚТИРМОҚДА.

ЖОРИЙ ЙИЛ ЗО АПРЕЛЬ КУНИ УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ ОРҚАЛИ ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯМИЗНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИК. УНИНГ БИРИНЧИ МОДДАСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ЭКАНИ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАНИ ҲАМ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФОЯЛАРИ МУСТАҲКАМ ВА СТРАТЕГИК АҲАМИЯТГА ЭГА ЭКАНИНИ ҚАТЪИЙ ТАСДИҚЛАМОҚДА.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАГИ ФОЯ ВА ТАКЛИФЛАР БЎЙИЧА АМАЛГА ОШАЁТГАН 5 ТА МАҚСАДНИ МИСОЛ КЕЛТИРСАК, ФИКРИМИЗ ЯНАДА АНИҚЛАШАДИ.



1 МАҚСАД

Таълимда ижтимоий тенглик

Яқин йилларда таълим тизимида амалга оширилган ислоҳотлар мана шу фоя рўёбга чиқишига асос бўлиб хизмат қилди. Мақсад эса ҳамма учун тенг бўлган сифатни ва кафолатли таълим тизимини яратиш эди.

Нималарга эришилди?

- 2021 йилдан бошлаб олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони камидан 25 фоизга оширилди. Олий ўқув юртлалига қабул килишда эҳтиёжманд оиласида қизлари учун грантлар сони 2 баробарга кўпайтирилиб, 2 мингната етказилди. Аъло баҳоларга ўқиётган, ижтимоий ҳимояга муҳтоҳ қизлар учун маҳсус стипендиядар жорий этилди.

Ҳар йили Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг тавсияларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан 150 нафардан жами 2 100 нафар ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қаромогидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг таълим контрактлари махаллий бюджетидан 1,8 трilliон сўм ресурс маблағлари йўналтириш белгиланган.

- 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб республикадаги олий таълим

қайташиш шартисиз қоплаб берилмоқда.

- Ўзбекистон Республикаси нинг 2020 йилда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонунида ўқувчиларга имтиёзли таълим кредитлари бериш, шунингдек, кам таъминланган болаларнинг таълим олишини давлат томонидан кўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари белгиланган.

- Етим ёки ота-онаси қаромогидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг контракт пуллари тўлаб берилади.

- Хотин-қизларга таълим олишлари учун янада қулаш шароитлар яратиш, олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, шу жумладан, кечки ва сиртқи таълим шаклида ўқиётган хотин-қизларнинг таълим контрактларни тўлаш учун 7 йил муддатга фойзисиз таълим кредитларини молиялашибириш мақсадида тижорат банкларига давлат бюджетидан 1,8 трilliон сўм ресурс маблағлари йўналтириш белгиланган.

- 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб республикадаги олий таълим

муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиётган талабалар учун Марказий банкнинг асосий фоиз ставкаси микдорида ва ўқиш муддати тугагандан кейин 7 ойдан бошлаб 7 йил муддатда қайтариш шартлари асосида таълим кредитлари берилади.

- **2022/23 ўқув йилидан бошлаб** давлат олий таълим муассасаларининг **магистратура** босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловлари давлат бюджетидан қоплаб берилши белгиланган.

Ҳар қандай тараққиётнинг асосида таълим ётади. Таълим тизимида амалга ошириладиган ислоҳотлар инсон капиталини ривожлантириша хизмат қилади. Конституциямизда таълим олиш ҳамма учун кафолатланган. Бугунги кунда ҳар ким ўзи хоҳлаган таълин шакли ва йоналишида таҳсил олиши мумкин. Бу имконият, айниқса, олий таълим соҳасида яққол кўринади. Ким қайси мутахассислик бўйича қандай мутахассислик асосида ҳамма учун имконият яратиб бермоқда, ундан қандай фойдаланиш эса фуқароларнинг ўзига болгли.

4 МАҚСАД

Мулкчилик шаклидан ва уларни молиялашибириш манбаларидан қатъи назар, барча тиббиёт муассасаларида бепул кўрсатиладиган мажбурий тиббий хизматлар рўйхатини, шунингдек, мажбурий тиббий сұғуртанинг процес-сұал механизмларини қонун ҳужжатларида ишлаб чиқиш ва белгилаш масаласи

Мулкчилик шаклидан ва уларни ташкил шаклидан қатъи назар, барча тиббиёт муассасаларида кам таъминланган оиласи, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтоҳ қатламларини юкори технологияли тиббий хизматлардан фойдаланган ҳолда ҳар йили белуп тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиши масаласи ҳал этилиши долзарб масала ҳисбланди.

Бу борада депутатлик ва жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш орқали аҳолининг айрим тоифаларига дори воситалари, протезлар ва бошқа тиббий-ижтимоий ёрдам сотиб олишида бериладиган имтиёзлар тиббии таълимни таъмилашибиришга кўмаклашиш ҳам мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июндаги "Маъмур исломотлар доирасида соғликини сақлаш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиши чора-тад-

бирилари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Соғликини сақлаш вазирлигига Иктиносидёт ва Молия вазирлигига билан биргаликда иккى ой муддатда фуқароларнинг энг кўп мурожаатларини келтириб чиқарадиган касаллик ва шароитларни ҳисобга олган ҳолда, тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини тасдиқлаш топширилди. Тиббий ёрдам кўрсатиш даражалари ва турлари бўйича, шу жумладан, дори воситалари, сарф материаллари ва тиббиёт буюмлари бўйича кўрсатиладиган рўйхат Соғликини сақлаш вазирининг 2023 йил 13 октябрдаги бўйргу билан тасдиқланган.

Худди шу қарорга мувофиқ, 2024 йилдан бошлаб ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказиш доирасида кекса авлод вакиллари учун максадли скрининг дастурлари жорий этилмоқда.

Янги Ўзбекистонда инсон капиталини

ривожлантириш энг асосида таълим ётади. Таълим тизимида амалга ошириладиган ислоҳотлар инсон капиталини ривожлантириша, аввало соглом бўлиши ҳам керак. Демократия таъмиллар устувор бўлган жамиятларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам инсон капиталини ривожлантириша, аввало бирламчи тиббий хизмат сифатини оширишга алоҳида ёзтибор қаратилмоқда. Тиббиёт соҳасида амалга оширилётган ислоҳотлар аҳолининг кафолатланган бирламчи тиббий хизматнинг фойдаланиш имкониятини оширишга қартилган. Бунда кам таъминланган оиласи, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтоҳ қатламларини бирламчи тиббий хизмат билан таъминлаш ҳам устувор вазифа қилиб белгиланган.

Инсон етук ва баркамол бўлиши учун уавво соғлом бўлиши ҳам керак. Демократия таъмиллар устувор бўлган жамиятларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам инсон капиталини ривожлантириша, аввало бирламчи тиббий хизмат сифатини оширишга алоҳида ёзтибор қаратилмоқда. Тиббиёт соҳасида амалга оширилётган ислоҳотлар аҳолининг кафолатланган бирламчи тиббий хизматнинг фойдаланиш имкониятини оширишга қартилган. Бунда кам таъминланган оиласи, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтоҳ қатламларини бирламчи тиббий хизмат билан таъминлаш ҳам устувор вазифа қилиб белгиланган.

СОҒЛОМ ОИЛА - СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

Ўзбекистон ХДП Ургач туман кенгаси таъминланган "Соғлом оила - соғлом жамият" ширина остида маҳалла ва БПТларида давара сухбатлари ва тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

"Ўзбекистон-2030" стратегиясида белгиланган йўналишлардан келиб чиқиб, ҳалқ депутатлари Ургач туман Кенгаси депутати Б. Бердиев нахбатдаги ана шундай учрашувни Оила ва хотин-қизлар илмий-тадқиқот институти вакиллари билан ҳамкорликда ўтказди.

Давра сухбатда оиласидағи мухитни яхшилаш ва мустаҳкамлаш, нотинч оиласидағи мухитни соғломлашибириш зарурлиги ҳакида сўз борди.

Шунингдек, гендер тенглик масалалари, давлатимиз тоғонидан аёлларга берилётган ётибор, уларнинг жамиятда фаол иштирокини таъминлашга қартилган саёни-ҳаракатлар борасида маълумотлар берилди. Оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигини йўлга кўйиб, таълим-тарбия борасида ва бошқа масалаларда миллий қадрияларниизга таяниш, бугунги күнимизга шукроналик билан яшаш, тинчлигимиз қадрига этиш зарурлиги ҳакида сўз борди.

БАЛАНД БИНОЛАР ҲАМ ЕРДАН
ҚЎТАРИЛАДИ

Боёвут туман "Навбахор" МФИ "Чашма" қишлоғи "Менинг йўлим" ташабbusli бюджет давлат дастuriда ғолиб деб то-

ЎЗБЕК ТИЛИ - МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ!

Юртимиз бўйлаб ҳар йили 21 октябр — Ўзбек тили байрами куни сифатида кенг нишонланади.

Шу муносабат билан Ангор туманин ҳокими, Махнавиёт ва маърифат бўйинмаси, тумандаги 17-сонли умумтаълим мактаби директори, ҳалқ депутатлари туман Кенгаси депутати X.Худойбердиевлар ҳамкорлигига Ахборот-кутубхона марказида "Тил - миллат кўзгуси" мавзусида маънавий-мърифий тадбир ўтказилди.

Унда шоир ва ёзувчilar, ёш ижодкорлар ҳамда кутубхона ходимлари иштирок этди.

Тадбирда ўзбек тилининг тарихи, ҳалқимиз ҳаётида тутган ўрни ҳақида алоҳида тұхтатиб ўтилди.

Шунингдек, она тилимиз инсонни миллий ўзлигини

ХАЁТИДАН
ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ПАРТИЯ
АЪЗОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

ЎзХДП Навоий вилоят кенгаси ҳамда Кармана туманин кенгаси X.Рўзиев ташабbusi билан тумандаги "Зарафшон" оиласи шифокорлик пунктида партия тарғиботи тадбiri ташкил этилди. "Зарафшон" бошланғич партия ташкилоти тузилиб, тиббиёт ходимлари партия аъзолигига қабул қилинди.

Шунингдек, Аллон ва Нурафшон маҳаллалари фуқаролари учун чуқурлашибирилган тиббий кўрик ўтказилди. Педиатр, лор

ИЖРОСИ ТАҲЛИЛИ ОШМОҚДА



2 МАҚСАД

Мехнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловларнинг энг кам даражасини белгилашда халқаро ҳамжамиятда умумкабул қилинган кўрсатгичлар, яъни яшаш минимуми ва истеъмол саватаси, уларни кўллаш тартибини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш ва амалда қўллашга эришиш масаласи

- "Минимал истеъмол харожатлари қўйманини ҳисоблаш тартибини амалиётта жорий этиш тўғрисида" ўхумат қарори кабул қилинди.

Минимал истеъмол харожатлари кўрсаткичидан камбагали мезони ёки чегараси сифатида фойдаланилади.

- 2022 йилдан бошаб "Ижтимоий ҳимоя ягона реестери" ахборот тизими орқали оиласи кам таъминланган деб билиш жараёнида кўлланиладиган ва жон бошига тўғри келадиган **бир ойлик даромад мезони минимал истеъмол харожатларига тенглаштирилди**.

- **ҳар йили августъ ойигача** минимал истеъмол харожатлари қўйманининг прогноз параметрлари инфляция кутилмаларидан келиб чиқиб ҳисобланади.

- минимал истеъмол харожатлари таркиби камида ҳар 5

йилда қайта кўриб чиқилади. Узбекистон Халқ демократик партияси аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож катлamlari манфаатини ҳимоя қилишини ўзининг фундаментал максадлари категорига киритади. Чунки бу Конституцияда белгилangan қатъий қониданинг амалга ошишини амалда кафолatlash билан боғлиқ принципиал масала.

Пенсия, нафақа, стипендия, меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа ижтимоий ёрдамларнинг энг кам микдори минимал истеъмол харожатларидан кам бўлмаслиги аҳолининг ижтимоий таъминланганлик даражасини оширади. Асосийси, хуқуқларини ҳимоз қиласди.

Минимал истеъмол харожатларининг халқаро нормалар асосида белгиланиши Узбекистоннинг халқаро майдондати имижига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

3 МАҚСАД

Аёллар фарзанди 3 ёшга тўлгунга қадар ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлган барча вақтни пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига киритиш масаласи

Мазкур таклифни амалга ошириш максадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Халқ демократик партияси фракцияси томонидан "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги "Ўзбекистон Республикаси Қонунiga ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун роҳ эриши туюлиши мумкин. Лекин халқаро таъкибада бу амалиёт мавжуд. Агар эр-хотин болани ким парвариш килиши бўйича бир фикрга келса, бунинг нимаси нотўғри?..

Бугун ҳаёт инсонларни фақат ва фақат олдинга ҳаракат қилишган унда мөнадиёт. Бу ўз-ўзидан эркак-бўйича ўтказган вақтлари хисобга олинади, шунингдек, бола 3 ёшга тўлгунга қадар, лекин жами б 5 йилдан кўп бўлмаган вақт пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига кўшилиши назарда тутилган.

Мазкур ўзгаришилар "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунга 2022 йил 9 февралдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"-

ги Қонунига мувофиқ киритилди.

Эътиборлиси, бунда фақат она эмас, балки ота ҳам болага қаровчи бўлиши мумкинлиги назарда тутилган. Бу амалиёт, яъни отанинг болага қаровчи бўлиши биз учун бирор эриши туюлиши мумкин. Лекин халқаро таъкибада бу амалиёт мавжуд. Агар эр-хотин болани ким парвариш килиши бўйича бир фикрга келса, бунинг нимаси нотўғри?..

Бугун ҳаёт инсонларни фақат ва фақат олдинга ҳаракат қилишган унда мөнадиёт. Бу ўз-ўзидан эркак-бўйича ўтказган вақтлари хисобга олинади, шунингдек, бола 3 ёшга тўлгунга қадар, лекин жами б 5 йилдан кўп бўлмаган вақт пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига кўшилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон демографик ўшиш бўйича дунёдаги энг тез ўсаётган давлатлардан бири хисобланади. Йиллик туғилиш деярли бир миллион. Ўзбекистонда оиласида иккита фарзанд бўлиши кам хисобланади. Оиласаларда ўртacha 3-4 ta фарзанд

бўлади. Ўзбекистонда ўртacha умр кўриш давомийлигини 74 ёш деб олсан, пенсия ёши аёллар учун 55 ёши ташкил қиласди. Битта аёл учнафар фарзандни дунёга келтириб, бօғча ўшигача парвариш қилиши учун ўртacha 10 йил умрини сарфлайди. Ваҳделанки, ўша ўн йил унинг айни шижоатга тўлган, билимга чанқоқ, ҳаётга ташна умридир. Фарзанд тарбия қилиши миллат тарбия қилиш ҳамдир. Ҳар бир ёш авлодни мамлакат тараққиётини ҳаракатга келтирувчи, унинг эртасини бельговчи, юрт корига ярайдиган шахс бўлишига умид қиласми. Демак, уларни дунёга келтириб, тарбия қилаётгандарни ҳам эсдан чиқармаслигимиз, керак бўлса, меҳнатларни кадрлашмиз лозим.

Айни конун уларни қадрлашга хизмат қилишига умид қиласми. Зоро, ОНА фарзандини дунёга келтириб, уни тарбия қилиш жараёнида ҳеч кимдан ҳеч қандай рағбат кутмайди. У бунинг учун умрини беғарас тикади.



5 МАҚСАД

Мехнатга лаёқатли фуқароларни ижтимоий нафақалардан юқоририк меҳнат ҳақи тўланадиган барқарор



- Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш максадида "Темир дафтар" тизими яратилди.

- Ёшлар бандларини таъминлаш ва уларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган янги тизим - "Ёшлар дафтари" жорий этилди.

- Ижтимоий қийин вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни иқтисодий фароликка рағбатлантириш ва амалий қўллаб-қувватлаш максадида "Аёллар дафтари" яратилди.

Ўзбекистонда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 9,5 миллиондан ортигина ташкил қиласди. Бу жами аҳоли сонининг 27 фоизига яқинини шу ёшдагилар ташкил қиласди, дегани. Ҳаммада маълумки, инсон вояга етиб, мустақил ҳаёт йўлини танлар экан, у аввало ўзига муносиб иш топишга ҳаракат қиласди. Тўғри, бэзида ўзимиз хоҳлаган касбни эгаллашимиш учун йилларни сарфлаймиз. Лекин ўзимизга муносиб касбни топгунни мизча ишламасдан, ҳаракатсизлигимиз билан унга эришолмаймиз. Ижтимоий

дафтарлар эҳтиёжданд, лекин иқтисодий фаол бўлишига интилаётган фуқароларни қўллаш, муносиб даромад топишига рағбатлантириша самарали тизим бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқоридаги кичкина таҳлилимиз орқали эътиборнингизни қартоқни бўлган иккি жиҳат бор. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз дастури ва электорати манбаатларига содиклигидир. Баъзи одамларнинг партия ҳам, депутат ҳам сайлов ўтиши билан панага ўтиши ҳақидаги фикрлар унчалик ҳам асосида эмаслигини айтмоқчимиз. Ҳар ҳолда, ЎзХДП дастури ижроси бўйича таҳлиллар шуни кўрсатмоқда.

Яна бир муҳим масала дастури, ғоялари долзарблигини йўқотмаслигидир. Халқ манбаатларига хизмат қилиши партия дастури ҳаётлигигини кўрсатуви энг биринчи омиллардан хисобланади.

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатла-

рига сайловов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомилластиришга қаратилган ўзгариши ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойихаси муҳокамалардан ўтмоқда. Мазкур қонун билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказиладиган сайлов тизими ўзгарида. Лойихада Қонунчилик палатасидаги 150 нафар депутатнинг 75 нафари партия рўйхати асосида шаклланиши назарда тутилмоқда.

Келгуси сайловлар янгича формат ва тизим асосида ташкил этилиши мақсад қилимоқда. Шундай шароитда сиёсий партиялар ҳам янги чақириқа ўтиши ва стратегиялар билан тайёрланиши керак бўлади. Ғоялари амалга ошаётган Халқ демократик партиясидан ҳалқимиз кутган, замон билан ҳамнафас, чуқур асослантирилган гоя ва ташаббусларни кутишга ҳақлимиз.

**Аҳмад ҚУРБОНОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбари.**

СИФАТ НАЗОРАТИ ҲАММА НАРСАДАН МУҲИМ

Халқ депутатлари Бўстон туман кенгашидаги Халқ демократик партияси депутатлари ҳудуддаги 13-умумтаълим мактабида олиб борилаётган қурилиш ишлари юзасидан депутатлик назорати ўтнашиди. Майлан бўлишича, ушбу таълим маскаларни пудратчи ташкилот "RISH TRADE" МЧЖ томонидан қурилиш ишлари олиб борилтили. Назорат-таҳлил давомида қурилиш ва пардозлаш ишларининг сифати кўриб чиқилди.

Депутатлар назорат-таҳлил натижалари юзасидан фикр ва мулоҳазалари билан бўлишиб, таклифлар билдиришида. Ўрганинг давомида аниланган камчиликлар пудратчи ташкилот раҳбари томонидан қисқа муддат давомида яқунлаши зарурлиги тушунтирилди.

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУХОФАЗАСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг «Оналик ва болалик муҳофазаси доимий эътиборда» лойихаси доирасида Термиз туманида тиббий кўрик ташкил этилди.

Халқ депутатлари Термиз туман кенгashi раиси Г.Шафатова, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси ҳузуридаги Аёлларни реабилитация ва мослаштириш маркази вилоят ҳудудий бўлими ҳамкорлигига ташкил этилган ушбу тадбир доирасида

тумандаги ногиронлиги бўлган болалар, нуронийлар ва аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Тиббий кўрик жараёнида тиббий ёрдамга муҳтож бўлган бемор болалар ва уларнинг оналари чуқурлаштирилган текширувдан ўтказилиб, уларга мулжалалар қилиниб, бепул дори-дармон, витаминлар тарқатилди.

«ЎЗБЕКИСТОН-2030» СТРАТЕГИЯСИ ТАРГИБОТИ

Пискент туман «Мингтепа» МФЙ ҳудудида жойлашган 40-сон умумий ўтра таълим мактаби устоzlари билан «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисида давра сухбати ўтказилди. Туман Кенгаши депутати, Ўзбекистон ХДП туман кенгаши раиси Д.Комилова устоzlарга Стратегиянинг 100 та мақсадидан ўрин олган устуворликлар ҳақида фикр юритди. Хусусан, 2-мақсадида умумий ўтра таълим тизимида «Таълим учун қулаҳ мухит» дастурини амалга ошириш билан боғлиқ вазифаларга тўхтатлиб ўтилди. Уларга таълим соҳасига оид устуворликлар жамланган 12 та мақсад ўрин олгани ва уларнинг ҳар биридаги ўзига хосликлар тушунтирилди. Ҳар бир мақсадда таълим тизими ислоҳотларига катта эътибор берилгани тўғрисида айтиб ўтилди. Иштирокчиларнинг тизими яхшилаш, сифатни ошириш борасидаги саволларига мутахassislar томонидан атрофлича жавоб берилиб, уларнинг таълифларни қабул қилинди.

Ўз мухбари.

англешга, қадрияларни эъзозлашга ўргатиши бўйича ҳам сўз юритилди. Ижодкорлар ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб беришdi.

ДЕПУТАТЛАР САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошлок туман кенгаши депутатлик гурухи аъзолари Муҳаммаджон Жўрабоев, Заҳиджон Сайдалиев иштирокида тумандаги "Тошлок" махалла фуқаролар йигини биносида фуқароларнинг сайдер ҳадар қадар хужжатларини тайёрлашда амалий ёрдам сўради.

Кўчма кабулда йигирмадан зиёд фуқароларнинг мурожаатлари тингланди. Мулоқот чоғида Тошлок МФЙ Наврӯз кўчаси, 8-йуда яшовчи Акрам Дўйумов ўзи яшаштаган уйнинг кадар хужжатларини тайёрлашда амалий ёрдам сўради.

Шунингдек, "Учун" кўчаси, 75-йуда яшовчи Диордорахон Юлдашева кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганилиги сабабли ўкувчи фарзандига қишики иссиқ кийим-бош олиб беришда амалий ёрдам сўраб мурожаат қўлган бўша, Шерозий кўчаси, 3-йуда яшовчи Мамлакатхон Зиёвиддинова соғлигини тиклаш учун дам олиш масканига йўлланма олишда қўйналётганини маълум қўлган.

Сайдер қабулда иштир

ЎЙГА ТОЛДИРАДИГАН РАҚАМЛАР, ҚАТЪИЙ ВАЗИФАЛАР

ЎТГАН ҲАФТАДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ 2024 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ АСОСИЙ ЙÙНАЛИШЛАРИ, ТАРМОҚ ВА ХУДУДЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ВАЗИФАЛАР МУХОКАМАСИ ЮЗАСИДАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИФИЛИШИ ўТКАЗДИ. УНДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ КҮПАЙТИРИШ, ХАРАЖАТЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХАР БИР СОҲА, ТАРМОҚ ВА ХУДУДЛАР КЕСИМИДА МАВЖУД ЗАХИРА ВА ИМКОНИЯТЛАР АТРОФЛИЧА ТАХЛИЛ ҶИЛИНДИ.

АВВАЛО, ЙИРИК САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДА ХАРАЖАТНИ КИСКАРТИРИШ ОРКАЛИ ТАННАРХНИ КАМАЙТИРИШ БЎЙИЧА АНИҚ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ. МАСАЛАН, ЖОРӢ ЙИЛНИНГ БИРГИНА ТЎРТИЧИ ЧОРАГИДА 349 ТА ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАСИДА 2,1 ТРИЛЛИОН СҮМ ХАРАЖАТЛАРНИ КАМАЙТИРИШ МУМКИНЛИГИ ҲИСОБ-КИТОБ ҶИЛИНГАН. БУ ИШЛАРНИ ТИЗИМЛИ ДАВОМ ЭТТИРИШ УЧУН ҲУКУМГА КЕЛГУСИ ЙИЛДА ЙИРИК ТАРМОҚЛАРДА ТАННАРХНИ 15-20 ФОИЗ КАМАЙТИРИШ БЎЙИЧА ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИШ ТОПШИРИЛДИ.

Худудларнинг даромад базасини кенгайтириш масаласига тўхталиб ўтилди. Жумладан, паст кувватда ишлабтган корхоналарга кўмак берип, уларни тўлиқ кувватга чиқариши чоралари белгиланди. Тадбиркорликни ривожлантириб, солик базасини кенгайтириш, афзаликлар бериси орқали "яширин иктисодиёт"ни қисқартириш мухимлиги айтилди.

Қишлоқ хўжалигига "катта сақраш"га фақат илм орқали эришиш мумкинлиги таъкидланди. Бу борада ер сифати, нав ва агротехнологияга замонавий илмий ютуқларни кенг татбиг этишиб орқали бир гектарда пахта хосилдорлигини 50 центнерга, ғаллада 100 центнерга етказиш вазифаси кўйилди.

Бугунги кунда энг глобал масалалардан биро сув тақчилиги экани ҳам алоҳидат таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, сўнгги икки йилда сув хўжалигига, жумладан, сув тежовчи технологияларга катта миқдорда субсидия ахлатиган. Лекин ўтган йили истемомларни қилинган 39 миллиард куб метр сувнинг 36 фоизи тупрок ўзанлини канални арикларда ўйғолгани кўрсатиб ўтилди. Бундан ташқари, ерларнинг 70 фоизи эски усулда сурорилгани боис, 5-6 миллиард куб метр сув беҳуда сарфланиб, коллекторларга ташлаётгани айтилди.

Давлатимиз раҳбари сув хўжалигидаги бундай вазиятдан чукур ташвишдалигини қайд этиб, соҳа мутасаддиларига қаттиқ эътироz билдириди. Каналларни бетон қилиш орқали йўқотишларни камайтириш, насосларни энергия тежамкорига алмаштириш, сув иншотларида автоматлашган хисоблагани ўрнатиш юзасидан топшириклар берилди.

Умуман, йигилишда муҳокама қилинган долзарб масалалар, кўрсатиб ўтилган ракамлар одамни чукур ўйга толдириди. Иктисодиётни тўғри йўлда сақлаш, янги имкониятларни топиш, қийин вазифаларни бажариш нақадар мухим экани англанади. Камчиликлар, ечиними кутаётган муммомлар ҳақида Ўзбекистон ХДП фолларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқиди.

Қизилгул ҚОСИМОВА,
**Олий Мажлис Конунчилик палатаси-
даги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:**

— Давлат раҳбарининг гапларидан бефарқ бўлмаган ҳар қандай инсон ўзига керакли хулосани чиқариб олади. Тўғри, биз парламентда бир неча йилдан бўён бюджетнома шаклидаги қонунни кўриб, тасдиқлаяпмиз.



Лекин унинг ижроси бўйича "қанча пул қарга сарфланди?" деган умумийрок саволлар билан чегараланиб қолиши – тўғри эмас. Бу галги видеоселектор бошқача ўти. Унда бюджетни шакллантириша унинг прогнози, яни биз олдиндан кўришимиз керак бўлган жиҳатларга эътибор қаратилди. Масалан, бюджетга қанча маблағ келяпти, қанча тушум бўлади, деган саволлар ўртага ташланди. Чунки эртанги харажатларни тушадиган даромаддан келиб чиқсан ҳолда белгилаш керак бўлади.

Яна бир нарсани айтиш керакки, Президент ҳар гал турил соҳаларга эътибор қаратади. Аммо ижтимоий соҳа, албатта, уларнинг олдинги қаторларида туради.

Афсуски, дунё тинч эмас. Ер юзининг тури мінтақаларида давом этэйтган турил низолар, нотинчилар Ўзбекистоннинг иктисодига ҳам таъсир қиласди. Шунда ҳам ижтимоий соҳа асло четда қолмаяти. Хусусан, соғликини сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар ачка маблағ ва куч эвазига оёққа туряти.

Демак, давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилаётган ишлар натижаси, уларнинг самарадорлиги ҳамиша устувор бўлиб қола-веради. Ҳалкнинг маблағи манзилли, максадли сарфланиши депутат ва жамоатчилик назорати билан таъминланади. Шу сабабли масъулиятни биргина шахс ёки ташкилотга тегиши эмас, ҳаммамизни ташвишларни таъсирларни яхшилаш зарурати ҳақида гапирилди. Бу, албатта, одамни хурсанд қиласди. Сабаби, ҳудудларга чиққанимизда одамларнинг мактаблар билан боғлиқ кўплаб мурожаатлари дуч келамиз.

Режа бор, маблағ йўналтирилади. Мухим масала эса улардан тўғри ва ўз ўрнида фойдаланиши ташкил этиш ва бунинг устидан назорат ўрнатишидир. Афсуски, бу борада бизда тури муммомлар кузатилади. Маблағлардан ноўринг ёки тартибсизлик билан фойдаланиш, сўнгги манзилига этиб бормаслик каби ҳолатлар бор. Шунинг учун қонунчиликка бюджет интизомини кучайтириш билан боғлиқ ўзгаришилар киритиш зарур, деб ўйлайман.

2024 йил учун бюджетни шакллантириш жарёнида ижтимоий соҳа, хусусан, соғликини сақлашга йўналтириладиган маблағлар қаттий режалаштирилиши, вазирлик бўнга масъул бўлиши мухим, деб ўйлайман. Афсуски, белгиланган маблағлар бошқа мақсадларга йўналтирилган, ишлатилиш қолган ҳолатлар

бир неча йиллардан бери камайгани йўқ.

Бу масалада маҳаллий ҳокимликларнинг зиммасига тушадиган вазифалар, молиявий харажатлар ўз вақтида молиялаштирилиши бўйича маҳаллий Кенгашлардаги партия гуррухларимиз билан режа асосида депутатлик ва жамоатчилик назоратини олиб боришимиз зарур. 2023 йил якунларида натижалар қандай бўлади, деган масалада бизда ҳам таҳлилларга асосланган жавобларимиз бўлиши керак.

Эҳтимол, имкониятга қараб соғликини сақлашни маблағ билан таъминлаш бўйича ҳудудларнинг масъулиятини ошириш керакdir. Агар ҳудуд маблағни ўзи ажратиб ишлатса, назорат ҳам, пулнинг сарфланиши сифати ҳам кўпроқ бўларди.



**Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Конунчилик палатаси-
даги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:**

— Аввало айтишни истардимки, бюджетдан ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларнинг мидори йилдан-йилга ортиб бораётган одамни хурсанд қиласди. Ўзбекистон 2030 стратегиясида ҳам бу борада алоҳида вазифалар белгилаб берилган. Келгуси йил давлат бюджетини ишлаб чиқиша ҳам бўйналишга ургу берилди.

Хусусан, инсон капиталини ривожлантириш, уни улғайтириш, салоҳиятини ўстириш билан боғлиқ соҳаларга маблағлар ажратиш ҳақида гап борди ва бу йил ҳар галгидан 15 фоиз кўпроқ пул йўналтирилиши таъкидланди. Таълим тизимини ривожлантириш, мактабларнинг сонини ошириш, ундаги шароитларни яхшилаш зарурати ҳақида гапирилди. Сабаби, ҳудудларга чиққанимизда одамларнинг мактаблар билан боғлиқ кўплаб мурожаатлари дуч келамиз.

Режа бор, маблағ йўналтирилади. Мухим масала эса улардан тўғри ва ўз ўрнида фойдаланиши ташкил этиш ва бунинг устидан назорат ўрнатишидир. Афсуски, бу борада бизда тури муммомлар кузатилади. Маблағлардан ноўринг ёки тартибсизлик билан фойдаланиш, сўнгги манзилига этиб бормаслик каби ҳолатлар бор. Шунинг учун қонунчиликка бюджет интизомини кучайтириш билан боғлиқ ўзгаришилар киритиш зарур, деб ўйлайман.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
тайёрлади.**

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚМОҚДА



**Шерзод РАҲМОНОВ,
Олий Мажлис Конунчилик палатаси
депутати,
Ўзбекистон ХДП фракцияси
аъзоси:**

— Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари кўхна Шарқ цивилизациясининг кўп асрлик дўстона ва маданий тарихига эга. Кейинги йилларда расмий Тошкент ва Пекин ўртасидаги ҳар томонлама стратегик муносабатлар барқарор тус олди. Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари ва учрашувлари барча даражадаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаб, янги уғулар очмоқда.

Марказий Осиёнинг энг йирик сармоявий ва ишончли бизнес шерикларидан бири бўлган Хитой билан кенг кўллами ҳамкорлик Ўзбекистон учун узоқ муддатли барқарор тараққиётнинг омили ҳисобланади.

Ўзбекистонда Хитой инвестициялари ҳажми беш баробар оши. XXR компаниялари сони уч бараварга кўпайиб, жорӣ йил бошидан бўён ўзаро савдо ҳажми 36 фоизга ўди. Бу кўрсаткий йил охиригача 10 миллиард доллардан ошиши куттилмоқда.

Ўзбекистон янги иктиносидий мулокотни шакллантириш ва Хитой билан яқин дўстона алоқаларни кўллаб-куватлайди. Давлат раҳбарларининг ШХТ, Хитой ва Марказий Осиё саммити, "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасидаги мунтазам учрашувлари, шунингдек, минтақавий даражадаги мунтазам иккى томонлама мулокотлар глобал бекарорлик шароритида Хитой ва Ўзбекистоннинг умумий манбаатлари кенг кўллами эканлигини кўрсатмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевинг шу йил 17-18 октябрь кунлари ушбу мамлакатга ташрифи ўзаро ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берди. Ташриф доирасидада Президентимиз Пекин шаҳрида "Бир макон – бир йўл" халқаро форумининг очилиш маросимида ҳамда "Инсон ва табиат ўйнунги йўлида "Яшил ишак йўлини" биргалиқда барпо этиш" мавзусидаги йиғилишда ҳам иштирок этди.

"Бир макон, бир йўл" ташаббуси – бу турли қитъаларда жойлашган мамлакатлар ўртасидаги иктиносидий ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, янада куляй шароитлар яратиш орқали савдо ва инвестиция, транспорт-коммуникация инфратизилмасини ривожлантириш, кишлек хўжалиги, туризм, таълим ва маданият соҳаларида шериклик салоҳиятини мустаҳкамлаб воситасида Буюк ишак йўлини қайта тикишга қаратилган аср лойиҳаси ҳисобланади.

Президентимиз "Бир макон, бир йўл" учунчи халқаро форумидаги нутқида бир қатор аниқ таклиф ва амалий ташаббусларни илгари сурди. Нутқда айтиб ўтилганидек, Буюк ишак йўлини қайта тикишга қаратилган гулуворға тарихан қисса даврда кўплаб тарафдорларига эга бўлди ва халқаро ҳамкорликнинг янги моделига айланди. Бу умумий тараққиёт ва фаровонликни эришиш йўлидаги зарурий, инклиюзив ва очик платформага айланди.

Қисқача айтганда, давлатимиз раҳбарининг Хитой Ҳалқ Республикасига ташрифи якунлари томонларининг сиёсий, савдо-иктиносидий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳалардағи стратегик шериклик муносабатларини кенгайтиришга бўлган муштарак мақсадларидан далолат беради.

**Кече парламент куйи
палатасида сайлов қонун-
чилигини такомиллашти-
ришга хизмат қилидиган
Конституциявий қонун
лойиҳаси мухокамасида
бевосита қатнашдик. Ав-
вало, бундай имкониятни
яратган, таклиф қилиган
палата раҳбариятига мин-
надорлик билдиришиимиз
керак. Бу амалий сиёсий
партияларнинг дастурий
мақсадлари, электорат
манфаатлари билан чам-
барчас боғлиқ масалалар,
қонун лойиҳаларни мухо-
камарида ҳам вақти-вақти
билан давом этса, пар-
ламентимизда демокра-
тика тиканъа тусига кирса,
фақат яхшиликка хизмат
киларди, деб ўйлаймиз.**

Хурматли депутатлар конун лойиҳасини синчилкаб, турли нуқтани назардан ёндашиб, атрофлича мухокама қилишиди. Сайлов тизими такомиллашиши, парламентаризм, плорализм ривожланиши учун бундай қонун лойиҳаси, катта ўзгаришлар керак. Арапалаш сайлов тизими хар биримиз учун янгилик, жамиятизимда ўзига хос янгича мухитни юзага келтириши аниқ. Миллий давлатчилигимиз тарихида көладиган, эҳтимол, катта тарих

яратадиган янги демократик институт жорӣ этилиши кутилишоқда. Фақат мажаритар тизим орқали шаклланган парламентдан кўра арапалаш тизим орқали шаклланган парламент ҳар томонлама кучлирек бўлади. Қонун лойиҳаси мухимлиги ҳақида узоқ гапириш мумкин. Ҳозирча асосийси, уни сифатли, кейин муммом түғилмайдиган шаклда қабул қилиш. Бугун мухокама яна давом этади. Депутатларга, айниқса, масъул қўмитага,



ҲОКИМЛАР ДЕМОКРАТИЯНИ ҚАНДАЙ ТУШУНАДИ?

БИРИНЧИ САВОЛ: — Демокриятини қандай тушунасиз?

ИККИНЧИ САВОЛ: — Янгиланган Конституцияга кўра, ҳалқ депутатлари Кенгаши рахбари ҳоким бўлиши мумкин эмас, деб белгиланди. Ушбу меъёрга муносабатингиз, яъни фаолиятингиз ва қарорларингизга қандай таъсир қиласи, деб ўйласиз?

УЧИНЧИ САВОЛ: — Ўзбекистонда партиялар фракциялари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларини сайлашнинг аралаш тизимида ўтиш тўғрисидаги конституциявий қонун лойиҳасини муҳокама қилмоқда. Бу борадаги фикрларингизни билдирангиз.

З ТА САВОЛГА З ҲОКИМ ЖАВОБИ

Сарвар СУЛТОНОВ,
ширин шаҳар ҳокими:

Комилжон ЭРНАЗАРОВ,
Оқотлин тумани ҳокими:

Восилжон НАЗАРОВ,
Фарғона шаҳар ҳокими:

✓ — Демократияни ҳар ким ҳар хил талқин этади. Кимдир демократия бу ошкоралик, хаёлингга келганини очиқасига юзига айтиш, деб ўйлади. Демократия аслида ҳалқ ҳокимиятини ifoda этиб, давлат бошқарувида сайланishi ва ўз вакилларини сайлаш оркали барчанинг тенг ҳуқуқли иштироқи таъминланишини кўзда тутади.

Айнан бу тамоил янгиланган Конституциямизнинг 1-модасида белгилаб кўйилди, яъни «Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эта бўлган суревен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат».

Шунинг учун «Бизда демократия йўқ» дегувчиларнинг фикрига кўшилмайман. Ҳеч ким давлат бошқарувида сайланishi ва ўз вакилларини сайлаш ҳуқуқидан чеклаб кўйилган йўқ. Ҳар қандай Ўзбекистон фуқароси давлат бошқарувига сайланисини истаса маълумоти, қобилияти, иқтидори, сиёсий билими етса, ёши тўғри келса, бемалол номзодини кўйиши мумкин. Сайловчилар томонидан етари овозни тўплай олса, бемалол давлат бошқаруви органларида фаолият юритиши, шунингдек, 18 ёшга тўлган мuloқotга лаёкатли Ўзбекистон фуқаролари сайловларда иштирок этиб ўзи хоҳлаган номзодга овоз берishi мумкин.

Бу тамоил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ХХII боб, 128-моддасида ўз ifодасини топган: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакилиларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар».

Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизда демократия чекланмаган.

✓ — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 120-121-моддаларига мувофиқ, маҳаллий давлат бошқарувида вакилилар ва ижро этувчи органлар бир-бираидан ажратилмоқда.

Бу борадаги аввалги тартиб ҳокимиятнинг бўлиниш ва ҳокимият бўйинларининг ўзаро тийиб турish принципига зид эди. Боз Қомунинг янги таҳрирга асоссан бунга барҳам берилиб, маҳаллий кенгашлар сайланадиган вакилиларига, ҳокимликлар эса ижро органдар, деб белгиланмоқда.

Шунга мувофиқ, навбатдаги сайловлардан кейин ҳокимларнинг Кенгашида раислик қилишига барҳам берилади. Маҳаллий Кенгашида раислари Кенгаши депутатлари орасидан 5 йил муддатга сайланади. Ҳокимлар эса 5 йил муддатга тайинланади, тайинланган ҳокимни кенгашлар тасдиқлайди. Шу тарики Кенгаши раислари ҳам, ҳокимлар ҳам тўғридан-тўғри ахоли томонидан сайланмайди. Кенгашида раислари Кенгашида ҳам кенгайтирилди.

Ҳокимлар ва маҳаллий Кенгашида фаолиятини ташкил этиш тартиби бўйича алоҳида қонунлар қабул килинади. Маҳаллий масалалар бўйича уларнинг вақолатлари қандай тақсиланиши ана шу қонунларда акс этади.

✓ — Референдум ва сайлов тўғрисидаги қонунчиликни такомиллашириш зарурати мавжуд.

Конституциявий қонун лойиҳасида Сайлов кодексига ҳамда 7 та қонунга ўзгариши ва кўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Агар Қонунчилик палатаси сайловини аралаш (мажоритар, пропорционал) сайлов тизими асосида ўтказиши йўлга кўйилса, сайлов округлари бир мандатли ва ягона сайлов округларига ажратилади. Қонунчилик палатасининг 75 нафар депутати мажоритар сайлов тизими асосида бир мандатли сайлов округларидан, юлган 75 нафари пропорционал сайлов тизими (номзодлар рўйхати) асосида сиёсий партияларга берилган овоздар бўйича ягона сайлов округидан сайланishi керак бўлади.

Умуман, аралаш сайлов тизимида оид ўзгаришлар жамиятимизни янада демократлашуви, сиёсий партияларнинг кўпайishi, фикрлар хилма-хиллигига олиб келади. Табиийки, бу рақобатни, рақобат эса ривожланиши таъминлайди.

✓ — Мальумки, демократия бу ҳалқ ҳокимияти деганидир. Умумий тарзда демократия деганда ҳамманинг манфаатлари йўлида кўччиликнинг ҳокимияти ва озчиликнинг иродасини ҳурмат килиш тушунилади. Шуни алоҳида таъкилаш керакки, демократия хамма давлатларда ҳам бир ҳил эмас. Чунки ҳар бир давлат демократияни умумий қадрият ва таъмойларини ўз миллий қадриятлари замарида, ҳалқининг узоқ тарихи давомиди шакланган анъаналари, урф-одатлари, қадриятлари билан кўшиб қабул қиласи.

Эътиборлиси, демократик давлатда инсон манфати, қадр-қиммати, ҳаётни ҳар нарсадан юқори туради. Бундай давлат ўзини ўзи бошқарыш, кўпартиявийлик, оммавий ахборот воситаларининг эркин бўлиши, фикрлар хилма-хиллигига шароит юратади.

Яна бир мухим масала. Демократиянинг ажралмас қисми интизом, қонунларни ҳурмат килиш, бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқини химоя килишидир. Демократия тартиботларни ҳуқуқий давлатда мумкаммал ривожланиши боради. Бир сўз билан айтганда, биз мана шундай такомиллашган, ҳаммага ўрнак бўладиган демократик йўлдан боряпмиз.

✓ — Янги таҳрирдаги Боз қомусимизда мазкур нормаларнинг мустаҳкамланиши ҳокимларнинг Кенгашида олдида масъулиятини оширишга, ҳокимликлар фаолияти устидан Кенгаши да депутатларини кучайтиришга хизмат қиласи.

Шунингдек, киритилган янгилик ҳалқ депутатлари Кенгаши фаоллигини оширади. Натижада жамиятининг вакилиларини демократиясига ишончи ва бунинг таъсирида сиёсий фаоллиги, маҳаллий давлат бошқаруви жараёнларидаги иштироки кенгайти.

Ҳалқ депутатлари Кенгашида ҳудудларда мавжуд муммаларни ҳал қилишдаги асосий бўйинга айлантиришга хизмат қиласи. «Ҳалқ давлат ҳокимиятининг Бирдан-бир манбаидир» конституциявий принципини амалга оширишга хизмат қиливчи ҳокимликларидан олдида раҳбарларининг ҳалқ депутатлари Кенгашида олдида хисобот берадиган самарали тизим йўлга кўйилади.

Әнг мухими, ҳокимларнинг ўзлари қарор қабул қилиб, ўзлари бошчилик килидиган Кенгашида ушбу қарорларни тасдиқлайтиш, кейинчалик унинг ижросини назорат килиш каби амалиётча кек кўйилади. Мазкур янгилик асосида Кенгашида фаолияти, аввалимбор, маҳаллий ахоли манфаатларидан келиб чиқиб қарорлар қабул қилишга йўналтирилса, ҳокимнинг фаолияти эса мазкур қарорларни ижро қилишга қаратилади.

✓ — Демократия кўзгуси бу сайловлардир. Ҳар бир шахс сайловлар орқали жамият ва давлат ишларини бошқарышда беъсовист иштирок этади, мамлакат тақдирiga бефарқ эмаслигини намоён этади. Шундан келиб чиқиб, фуқароларнинг мамлакат бошқарувида янада кенг иштироки таъминланади мақсадиди сайлов қонунчилиги изчил такомиллашириб борилмоқда.

Пропорционал тизим бу янги илғор демократик тажриба бўлиб, дунёнинг кўялуб давлатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилган. Ўзининг самарасини берган тажриба десак, асло муболага бўлмайди. Ушбу тизимнинг афзалигига сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг сиёсий иродасини тўлиқ сайлов қарорида янгиликни оширишга хизмат қиласи. Яъни, сайловда нафақат ютиб чиққан партия ўз дастурини амалга оширишга мандат олади, балки бошқа партияларни ҳам илгари сурған ғояларини парламент орқали ҳаётга табтиқ этишга имконият беради.

Мажоритар сайловда сайловчи номзодга овоз берса, пропорционал сайловда эса сайловчи партияяга овоз беради. Бу ўз-ўзидан кўриниб турибдики, сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва нуғузини оширади. Шунингдек, фуқаролик жамиятини институтларининг фаолияти оширишга хизмат қиласи. Қайси партияларни ғоя ва илгари сурғатдан сайловларни дастурлари кучли бўлса, ҳалқ шу партияяга овоз беради. Энди сайловларда, албатта, ҳақиқий сиёсий кураш бўлади, десак тўғри бўлади.

Иккинчи томондан эса юборилган жавоблар сиёсий адабиётлардаги изоҳларга, таърифларга жуда ўхшашиб кетади. Айнича, бир-бирадан анча узоқ бўлган ҳудудларнинг раҳбарлари юборган жавобларнинг деярли бир хил эканидан таажжуబга тушасиз. Нима бўлгандан ҳам савол бериш, фикр билдириш маданияти ўлмасин.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбари.

HAYOTIY MASALA



УН НАРХИДАН ХАВОТИР АСОССИЗМИ?

Вазир ўринбосари билмай гапирадими?..

ШУ ЙИЛ СЕНТЯБРЬ ОЙИННИГ ОХИРИГИ ЎН КУНЛIGИДА ҚОЗОФИСТОНДА ЭКСПОРТ УННИНГ НАРХИ ҚИММАТЛАЩДИ. БУ ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРЛАРИДАГИ НАРХЛАРГА ҲАМ ТАЪСИРИНИ КЎРСАТДИ, УЛГУРЖИ НАРХИ 215 МИНГ СҮМДАН СОТИЛГАН МАҲАЛЛИЙ УНЛАР 250 МИНГ СҮМГА, 310-315 МИНГ СҮМДАН СОТИЛГАН ҚОЗОФИСТОНДАН ИМПОРТ ҚИЛИНУВЧИ УНЛАР 400-450 МИНГ СҮМГАЧА ҚИММАТЛАДИ.

ДАМ ОЛИШ КУNLARI ПОЙТАХТИМIZДАГИ БИР ҚАНЧА МИНИ-МАРКЕНТ ВА ДЎҚОНЛАРДА СОТИЛАЁТГАН УН НАРХЛАРИ БИЛАН ҚИЗИКИБ КЎРДИМ. НАРХЛАРИ ЎША ОШГАН ҲОЛАТИДА ТУРИБИДИ, ЎЗГАРМАБДИ. МАСАЛАН, 10 КИЛОГРАММЛИК ҚОЗОФИСТОНДАН КЕЛАДИГАН МАШХУР УН НАРХИ 30 МИНГГА ҚИММАТЛАШГАН. МИНИМАРКЕТ ВА ДЎҚОН ЭГАЛАРИНИНГ ФИКРИЧА, НАРХЛАР ЯНАДА ОШИШИ МУМКИН ЭКАН.

Шунда жорий йил сентябрь ойининг охирги кунларida қишлоқ ҳўжалиги вазири ўринбосари Анвар Каримовнинг баёнотомуз ахбороти ёдимга тушди:

- Буғдои маҳсулотларига бўлган ички талабни қондириш учун етарили микдорда захири шакллантирилган. Бозорларда 1 коп ўзбекистон уни 210-220 мингдан, Қозогистон 1-нав уни 330-340 мингдан сотилимда. Қозогистон уни 285 мингдан бошланади нархи, 350 мингача. Асосий бозорларда нархлар шундай.

Ўтган йили ҳам сентябрь ойида Қозогистон буғдои нархи кўтарилиб, октябрьга бориб пасайган. Бу йилда етиширилган ҳосил ва 8 ой давомида импорт қилинган буғдои ун маҳсулотларига бўлган талаби бемалол қондиради. Қозоқ буғдои вақтнчалик тўхтаб қолгани учун ажиотаж бўлиши мумкин, нархлар 20 кунларда жойига келишади.

Лекин амалда вазир ўринбосари айтганидек бўлмайдиганга ўхшамоқда. Билмасдан, яхши ниятда гапирганимикан?.. Вазирликнинг матбуот хизматига вазир ўринбосари айтган 20 кун эмас, бир ойдан ҳам ошди, уннинг нархи қимматлигига қомлоқда, нарх яна кўтарилиши мумкинлиги ҳақидаги хавотирларга қандай изоҳ берилади, деган мазмунда бир нечта саволлар билан муҳроҳат қилидик.

2 ҳафтадан бери жавоб келмади, ҳозирча келмагандир. Вазирлик вакиллари чуқур ўйлаб, вазияти обдон ўрганиб маълумот бергунча бошқа муассасалар вакилларидан изоҳ олишига ҳаракат қилидик.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроқитисодий ва худудий тадқиқотлар институти бўлим бошлиги, иқтисодёт фанлари доктори, профессор Рустам Ҳасанов дунёда, мамлакатимизда дон ва ун маҳсулотлари билан боғлиқ ҳолат қанақа эканлиги тўғрисида бир нечта саволларимизга жавоб берди.

- Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ортиб бориши баробарида тақциликлар юзага келмоқда. Буғдои ва ун маҳсулотларининг нахлари ўзгармоқда. Буни айримлар экспорт-импортда логистика ҳаражатлари ошиб кетгани билан боғлашмоқда. Бу қанчалик тўғри?

- Дунёда буғдои экспорт киладиган бетаки давлат, минтақа бор. Улар - Рос-



сия, Канада, АҚШ, Австралия, Украина, Европа Иттифоқи ҳисобланади. Россия ичида буғдои экспорти бўйича дунёда биринчи

билан боғлиқ шов-шувлар бозор нархи кўтарилишига олиб келмоқда.

Бешинчидан, буғдои ва ун нархининг кўтарилиши логистика ҳаражатларига ҳам таъсири қилимади. Чунки маҳсулот таннархининг кўтарилиши транспорт ва бошқа логистика ҳаражатлари нархининг ҳам қисман ошишига олиб келади. Бундан ташқари, нефть маҳсулотлари нархининг кўтарилиши, хизматлар ва солик ҳамда бошқа тўловларнинг ортиши фонида буғдои ва ун нархи ўзгариши мумкин бўлади.

Ўзбекистонда буғдои ва ун маҳсулотларини импорт қилиншига чекловлар кўйилмаган. 2022-2023 йилларда етказиб бериш мавсуми бошланганидан буён ўзбекистон Қозогистонда ишлаб чиқарилган 406,6 минг тонна унни импорт қилиди. Бу умумий ун экспортининг яримдан бирор камини ташкил қилиди. 2023 йил январь-июль ойларида биргина ғалла ва ғалла маҳсулотлари қарийб 700 млн. долларлик импорт қилинган.

- **Бозорларимизда барча турдаги ун нархи кўтарилигинани қандай изоҳлайсиз?**

- Маълумотларга кўра, 2023 йил сентябрь ойида биринчи навли ун нархи деярли 14 фоизга ошди. Агар жорий йилнинг 5 сентябрьда ҳаражат 1 кг учун 3712,8 сўмни ташкил этган бўлса, 15 сентябрь охирга келиб 4230,5 сўмни ташкил этди. Агар август ойида фонд биржасида буғдои ўртача 1000 дан 2300 тоннагача сотиб олинган бўлса, сўнгги кунларда талаб деярли 6300 тоннагача ўди. Шу вакт ичида учинчи тоифадаги 1 кг буғдои нархи 16,5 фоизга – 2426 сўмдан 2826,7 сўмгача кўтарилиди. Ўзбекистонда 2022 йили буғдои уни нархи 15-23 фоизга ошганди.

Буғдои ва ун маҳсулотлари нархи кўтарилишига бир нечта сабаблар бор. Биринчидан, дунёдаги таҳлилини вазият РФ ва Украина ўртасидаги можара билан боғлиқ. РФ га қўйилган санкциялар ва транспорт-логистика чекловлари бозордаги ноаникликларни келтириб чиқариб, нархлар кўтарилишига таъсири.


Иккинчидан, иклим ўзгариши, сув танқислиги ва куртоқчиликнинг ортиб бориши билан боғлиқ экологик муаммолар таъсирида кечмоқда. Кейинги ўн йиллик иклим ўзгариши ва сув танқислиги буғдои етишириувчи мамлакатларда ҳароратнинг икки баробарга исишиб кетиши сув ресурсларига эҳтиёжнинг ўсиб бораётганини тасдиқламоқда.

Бугунги кунда буғдои ва ун бозорининг 70-80 фоизи бозор нархларида шаклланмоқда. Қолаверса, давлат ижтимоий ҳимояга муҳтоҳ аҳоли қатламларини кўрлаб-куватлаш чора-тадбирларини кўрмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ун заҳираси етарили. Бозордаги талаб ва тақлифга қараб, ун нархининг кескин кўтарилиб кетмаслигининг олдини олиш, бозордаги мувозанатни сақлаб туриш мақсадида захирадан маҳаллий ун бозорларга тақдим этиб борилади. Айни пайтда озиқ-овқат маҳсулотлари импортига ақиси солиги ва божхона божлари бозордаги вазиятга қараб, қайта кўриб чиқилиши белгиланган. Бундай ёндошувлар озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин кўтарилиб кетишининг олдини олади.

Тоштемир Худойқулов, "Ўзбекистон овози" мухбири.

БИЛАСИЗМИ?



Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига кўра:

— Пахта хом ашёсини табиий куритиш майдонлари турар жой ва жамоат биноларидан ҳамда таъмирлаш цехларидан камида 150 метр, юқори ва паст кучланиши электр линиялар таянчларидан уларнинг 1,5 та баландлигига тенг масофада жойлаштирилиши;

— Пахта хом ашёсини табиий куритиш майдонлари ёнғинни ўчириш мақсадида 50 м³ дан кам бўлмаган миқдордан сув захираси билан таъминлаши;

— Тракторлар, автомобиллар, пахта териш машиналарини тўхтатиб туриш, уларни таъмирлаш, майлыш ва ёнилги қўйиш пахта хом ашёсини табиий куритиш майдонларидан камида 50 метр масофада амалга оширилиши;

— Гурухлардаги пахта ғарамлари орасидаги масофа 15 метрдан, гурухлар ўртасида масофа эса 30 метрдан кам бўлмаслиги керак.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУХТОЖ АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИНИ ТЕЗКОР КЎРИБ ЧИҚУВЧИ "ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ" ИШГА ТУШИРИЛАДИ

"Ахолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатиши доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ҳукумат қарори (539-сон, 14.10.2023 й.) қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2023 йил 15 октябрдан:

— ўзглар парваришига муҳтоҳ бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар "Инсон" ижтимоий хизматлар кўрсатиши марказлари томонидан тасдиқланган жадвал асосида бир йилда камида бир маротаба чуқурлаштирилган тиббий кўриклидан ўтказилади;

— ижтимоий ходимларга фуқаролардан кам таъминланган оиласалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш бўйича аризаларни қабул қилиш ваколати берилади.

2024 йил 1 январдан I гурух ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ўшгача ногиронлиги бўлган болага, шунингдек, даволаш мусассасининг хуносасига кўра ўзгларнинг парваришига муҳтоҳ бўлган 80 ўшга тўлган қарияларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатлари ижтимоий ходимлар томонидан бир йилда бир маротаба ўрганилади ва ўрганиш маълумотлари "Ягона миллий ижтимоий ҳимоя" аҳборот тизими орқали юритиб борилади.

2024/2025 ўкув йилидан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан ўтказиладиган "Энг фаол ижтимоий ходим" кўрик танловининг вилоят босқичида голиб бўлган ижтимоий ходимлар давлат олий таълим мусассасаларига "Ижтимоий иш" мутахассислиги бўйича тўлов-контракт асосида ўқишига қабул қилинади.

2024 йил 1 июндан I гурух ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ўшгача ногиронлиги бўлган болага, шунингдек, даволаш мусассасининг хуносасига кўра ўзгларнинг парваришига муҳтоҳ бўлган 80 ўшга тўлган қарияларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатлари ижтимоий ходимлар томонидан бир йилда бир маротаба ўрганилади ва ўрганиш маълумотлари "Ягона миллий ижтимоий ҳимоя" аҳборот тизими орқали юритиб борилади.

2024 йил 1 июндан ижтимоий хизматларни ҳисобга олишнинг ягона тизимини яратиш орқали ҳар бир фуқаро (оила) учун белгиланган ижтимоий тўловлар, тақдим этилган имтиёзлар, шу жумладан, субсидиялар, хизматлар ва ёрдамларнинг ҳар бир фуқаро кесимида "Ижтимоий ҳимоя" АТда ҳисоби юритилади, шунингдек, конунчиллик ҳуҗхатларига мувофиқ очилган давлат жамғармалари ва бошқа жамғармалар интеграция қилинади.


Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан:

— 2023 йил 1 ноябрдан ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар эксперимент тариқасида йўлга кўйиладиган туман (шахар)ларда "Инсон" ижтимоий хизматлар кўрсатиши марказларида оғир ҳаётӣ вазиятига тушган шахслар учун психологог ёрдам кўрсатиш тизими жорий этилади;

— 2023 йил 15 ноябргача ўзининг тизимида кирадиган ташкилотларга тегишили бино ва иншотларга ижтимоий ҳимоя йўналишидаги надавлат нотижорат ташкилотларини, заруратга кўра, текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш чоралари кўрилади;

— 2023 йил 1 декабргача тиббий-ижтимоий экспертиздан ўтказиш натижасига кўра, ногиронлиги бўлган шахслар озиқ-овқат көнчигида оғир ҳаётӣ вазиятига ташкилотларни кўрсатиш тизими жорий этилади;

— 2024 йил 1 январгача ижтимоий ҳимояга муҳтоҳ аҳолининг мурожаатларини тезкор кўриб чиқишига мўлжалланган "Ишонч телефони" ишга туширилади.



Қонунчилликка кўра, ногиронлиги бўлган шахслар санаторий-курортда белуп согломлаштириш, шунингдек, дори воситалари, ногиронлиги бўлган шахсларни парвариш қилиш учун мўлжалланган тиббий буюмлар ва ногиронлиги бўлган болалар учун махсус шифобахш озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш ҳуқуқига эга.

[t.me/huquqiyaxborot](https://huquqiyaxborot.t.me/)



ОСИЁ СПОРТИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎРНИ БОР

Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида IV Параосиё ўйинлари бўлиб ўтмоқда. Унда китъамизнинг 43 давлатидан 4000 минг нафар пара атлетлар иштирок этмоқда. Тўрт йилликнинг энг нуфузли комплекс ўйинларида Ўзбекистон делегацияси ўз тариҳида илк бор 11 спорт тури бўйича 108 нафар пара спортчилар билан қатнашмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, ўйинларда вакилларимиз пара шахмат, пара каноэ, пара академик эшқак эшиш, пара велоспорт, пара таэквондо ва пара стол тениси

дастурлари бўйича илк маротаба баҳсларга кирди.

Пара ўқ отиш, пара стол тениси, пара енгил атлетика, пара дзюдо, пара таэквондо, пара пауэрлифтинг, пара велоспорт, пара каноэ, пара академик эшқак эшиш, пара сузиш дастурларида паралимпиачиларимиз медаллар билан бир қаторда, келгуси йил Париж шаҳрида бўлиб ўтадиган Паралимпия ўйинлари лицензиялари ҳамда рейтинг очколари учун ҳам беллашади.

Делегациямиз хисобига илк олтин медални пара каноэ бўйича аёллар ўртасида VL3 классида финал беллашувларида иштирок этган вакиламиз Шахзода Мамадалиева 58.775 сония натижага

билин маррага биринчи бўлиб етиб келиб тақдим этиди.

Икки кун натижаларига кўра, Ўзбекистон делегацияси хисобидаги медаллар сони 12 олтин, 12 кумуш ва 14 бронзага этиди ва учинни ўринни эгаллаб турибиз.

Эътиборлиси, мазкур мусобақада илк бор иштирок этган Ўзбекистон пара каноэ терма жамоаси умумжамоа хисобида барча 6 та йўналишда ҳам тенгиз бўлиб, 6 та олтин медалъ жамгарган ҳолда биринчи ўриндан жой олди.

Спортчиларимизга бутун мусобақа давомида омад ё бўлишига ва юртимиз байргини жаҳон ареналарида баланд туттишига тилакдошмиз.

Олга, Ўзбекистон!

ЎЗЛИГИМИЗ, ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ



"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганинг 34 йиллиги ҳамда 21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни мұносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда парламент ва ҳукумат вакиллари, турли идора ва ташкилотлар мутасадилари, олий таълим даргоҳларининг профессор-Ўқитувчилари, олимлар, ёзувчи ва шoirлар, маъnaviyat тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди. Тадбир иштирокчилари дастлаб она тилимизнинг нуфузи, ўзбек тилининг мавқенин юксалтириш борасида олий бориляётган ишларни намойиш этувчи кўргазма билан танишиди.

Тантанали тадбир аввалида Президент Шавкат Мирзиёевнинг 21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни мұносабати билан Ўзбекистон халқаро байрам табригини Президент маслаҳатчisi Хайридин Султонов ўқиб эшиттириди.

Табриқда таъкидланганидек, она тилимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидек нуфузли тузилма минбаридан

янграши ўзбек тилининг дунё миқёсига обрўси ва нуфузининг тобора юқалишида, жонажон тилимизни ўрганишга бўлган кизиқшининг тобора ортишида асосий омил бўлмокда.

Президентимиз ташаббуси билан она тилимиз ривожига доир миллий қончунчилигимиз янада тақомиллашди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридан ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси самарали фаолият олиб бормоқда.

Мазкур тузилмалар она тилимизни кенг тарғиб этиш, уни ўрганиши, ўзбек тили тараққиётни билан боғлиқ барча ишларни самарали йўлга қўйишга оид турли лойиҳалар, китоб ва луғатлар нашри, тил тарғиботи бўйича жонбозлик кўрсататган устоzlарни рағбатлантириш юзасидан тизимили ишларни олиб бормоқда. Барча вазирлик ва идоралар, ташкилотларда иш юритиш жараёни тўлиқ она тилимизда олиб боримоқда.

Мамлакатимиздаги етакчи иммий мусассалар, марказларда, шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабийти университетида ўзбек тилини наинки мамлакатимиз, балки дунё миқёсida тарғиб этиши ходими, шоир Эшқобил Шукур она тилимизга бағишлиган янги шеърини

ўқиб берди.

Шунингдек, байрам тадбирида ўзбек тилининг мавқенини, давлат тили сифатидаги ўринни мустаҳкамлаб, соғлиги ва жозибадорлигини янада ошириш ҳақида сўз юриттиди. Она тилимизнинг дунё минбарларида янграётганидан ҳар бир миллатдошимиз фахр-иғтиҳор хиссина туйиб яшаётгани алоҳида эътириф этилди.

"Ўзбек тили жилолари" номли видеолавҳа орқали она тилимиз ривожи ўйлида меҳнат қылган устоз ёзувчи ва шоирлар, санъат даргаларининг ижодидан намуналар ақс эттирилди.

Тантанали тадбирида мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ўзбек тилининг ўз ҳаётни ва тадқирида, ютуқларга эришишдаги аҳамияти хусусида фикрларни билдириди. Шу билан бирга, улкан монитор орқали жаҳоннинг турли мамлакатларида ўзбек тилини тадқиқ этаётган олимлар, тилшунос мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари, она тилимизга ҳурмат ва ёхтиромли мұносабати онлайн тарзда намойиш этилди.

Байрам тадбирида она тилимизнинг жозибасини кўрсатиб берувчи шеърлар, дилбар кўй-кўшиклар ижро этилди. Чиндан ҳам бу байрам миллийлигимиз, ўзлигимиз, янгиланаётган Ўзбекистонимизнинг маънавий қиёфаси сифатида ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олган айёmdir.

Тадбирида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, Олий Мажлис Қонунчиллик палатаси Спикери Нуриддинон Исоилов иштирок этди.

Тоштемир Ҳудойқулов,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ ИЖРОСИ

ЎНИНЧИ ҚУЁШ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ИШГА ТУШДИ

Энергия худди сув каби ҳаёт ва тараққиёт манбаига айланаб қолди. Айниқса, электр энергиясизсиз бирон соҳа истиқболини, бирон самарали кунни тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун мамлакатимизда энергия барқарорлигига эришиш, қайта тикланувчи ва "яшил" энергия манбаларини кўпайтириш долзарб вазифа сифатида қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралда "2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.



Мазкур қарор билан шу йил давомида Бухоро шаҳрида энергия тақчилигини бартараф этиш максадида ташкилот ва корхоналар кесимида манзилли рўйhatat ва режалар белгиланган.

Қарор доирасида Бухоро нефтини қайта ишлаш замонида ташкилотни қенг кўламили ишлар амала оширилмоқда.

Хусусан, ҳар бирининг қуввати 150 kW бўлган иккита қуёш электр станцияси ишга туширилди ва қуёш электр станциясининг самарали ишлари учун объектларга тармоқ инверторлари ўрнатилди. Натижада тармоқ электр энергияси мүқобил энергия манбаларига алмаштирилди. Кундузи электр энергиясининг асосий манбаи сифатида 150 kW қувватга эта қуёш электр станциясидан фойдаланилмоқда.

Кайд этиш жоизки, Бухоро НКИЗни ривожлантириш стратегиясида "яшил" энергия ва энергияга тежаккор технологияларни янада фаол жорий этиш кўзда тутилган.

Йил охиригача заводда камида 6 мингта қуёш батареяси ўрнатиш режалаштирилган, бу эса қарийб 3000 kWh қўшимча электр энергияси демақидр.

Ақбар ФАЗИЛОВ,
халқ депутатлари Бухоро вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП гурухи аъзоси.

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ХОРЕОГРАФИЯ АКАДЕМИЯСИ ВАКАНТ ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. "Хореография педагогикиси" кафедраси ўқитувчиси (1 ўрин)
2. "Хореография педагогикиси" кафедраси катта ўқитувчиси (1 ўрин)
3. "Хореография жамоалари раҳбари" кафедраси катта ўқитувчиси (1 ўрин)

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚҮЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

1. Ректор номига ариза.
 2. Ходимнинг шахсий варақаси.
 3. Маълумоти, иммий даражаси, иммий унвони ҳақидаги диплом нусхалари.
 4. Паспорт нусхаси.
 5. Иммий ишлар рўйхати (иммий котиб томонидан тасдиqlangan ҳолда).
 6. Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
 7. Мехнат дафтарчасининг нусхаси.
- Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мuddатда қабул қилинади.

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Юсуф Ҳос Ҳожигб кўчаси, 103-й.

Телефонлар: 71 215-55-94, 71 215-56-98.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1036, 6766 nusxada bosildi. ОзА yakuni — 01:00
Nashr ko'satkiichi — 220. Topshirilgan vaqt — 01:30
t — Tijorat materiallari

Sotuvda kelishilgan narxa

MUASSIS:

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV Muslihiddin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV
Qalandar ABDURAHMONOV Toshtemir XUDOYQULOV
Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'iqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «А»-уу.

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлуми: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.